# ИННОВАЦИЯ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг реал секторидаги муҳим вазифаларни ҳал этадиган фундаментал, амалий илм-фан ва инновация фаолияти соҳасида бошқа кўплаб тармоқлар сингари фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Юртбошимиз томонидан ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган. Ўзбекистон илм-фани дунёда катта обрў-эътиборга сазовор, кўплаб йирик хорижий илмий марказлар ҳамкорликдаги тадқиқотларни ривожлантиришдан манфаатдор, турли мамлакатларнинг етакчи компаниялари эса Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз ишлаб чиқаришини такомиллаштирмоқда.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда улардан барча фаолият соҳаларида фойдаланилмоқда. Буни ўтган ярмарка яна бир бор исботлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлимлари ярмаркага "Kursynet" универсал масофадан туриб ўқитиш ва малака ошириш тизими, илмий-техника ахбороти электрон каталоги ва маълумотлар базасини яратишнинг такомиллаштирилган услуби, республика ахборот-кутубхона марказлари тақсимланган тармоғи лойиҳаси каби кўплаб истиқболли ишланмаларини тақдим этди.

— Ярмарка туфайли кўплаб ҳамкорлар топдик, — дейди Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази мутахассиси Б. Аҳмедов. — Фаолиятимиз ва маҳсулотларимизга талаб ортаётганлиги бизни қувонтирди. Ярмаркада намойиш этилган янги ишланмаларимиздан бири — мактаблар ва коллежлар учун кўплаб фанлар бўйича ўқув дастурларини ўз ичига олган Doppix 2008 Edu операция тизимидир. Бу тизим Тошкентдаги бешта мактабда жорий этилиб, ўз самарасини бермоқда.

Ярмаркада дастурий таъминот билан шуғулланадиган "Intelligent Solution" компанияси ҳам ўзининг қатор янги шерикларини топди. Компания ўзининг учта янги маҳсулоти – пластик карталарга хизмат кўрсатиш ва кичик корхоналарни бошқариш учун автоматлаштирилган тизимлар, бизнес соҳасида ахборот бошқарувининг мослаштириладиган миллий универсал тизимини намойиш этди. Бугун компания маҳсулотларидан қатор банклар, йирик корхоналар, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси фойдаланмоқда.

Замонавий технологиянинг ҳаммаси ҳам мураккаб бўлавермайди. Масалан, Урганч давлат университетининг ўқитувчиси И. Рўзиев пластик тўсинларни кесиш учун ўзига хос мослама ихтиро қилди. Ушбу мослама ҳозир қўлланилаётганларидан фарқли ўлароқ, оралиқ механизмларсиз ишлайди ва қўшимча энергия талаб қилмайди. Ярмаркада "Андалос" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси билан патентланган мосламани жорий этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида протокол имзоланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги "Комилжон ирода" фермер хўжалиги раҳбари Ф. Султонов ҳам ярмаркада ўз иштирокидан мамнун. У Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти билан 15 навдаги уруғ сотиб олиш учун қиймати 50 миллион сўмлик шартнома имзолади. Ярмарканинг консалтинг маркази Ф. Султоновга банк микрокредитини расмийлаштиришда ёрдам берди.

Янги технологиялар ва ускуналар ишлаб чиқувчилар томонидан турли мавзулардаги тақдимот маросимларининг ўтказилиши ҳам ярмарка дастурининг муҳим қисмини ташкил этди. Улар хўжалик юритувчиларни ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имконини берадиган ўз инновация лойиҳа ва ғояларини билан батафсил таништирди.

Шунингдек, ярмарка давомида давра суҳбатлари ҳам ташкил этилди. "Ўзбекистонни инновациявий ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар" мавзуида бўлиб ўтган якуний учрашувда давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритиш бирлашмалари, хусусий корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Учрашувда мамлакатимизда инновация иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида инновацияларни жорий этиш ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланиш мақсадида билимдан фойдаланишга йўналтирилган стратегияни рўёбга чиқариш алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда инновация фаолиятини кенгайтириш учун қулай муҳит яратилган. Бугун давлат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчилар ва новатор-олимлар ўртасида амалий муносабатларни мустаҳкамлаш асосий вазифалардандир. Биринчи республика инновация ғоялари ва лойиҳалари ярмаркаси ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.**

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# «МАРЖОН СУВИ»

## — мустаҳкам соғлиқ, бардам кайфият

***Ғаллаорол тумани ҳудуди мамлакатимиздаги экологик тоза, хушманзара, баҳаво гўшалардан бири ҳисобланади. Тоғлар бағридаги Лалмикор қўрғонида жойлашган «Маржон суви» уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи Ғаллаорол табиатининг ўзига хос кўзгуси десак, муболаға бўлмас. Чунки бу маскан чиройли боғ, серфайз ҳовлисидан ташқари, меъморчиликнинг энг сўнгги ва замонавий ютуқларини ўзида мужассамлаштирган.***

Сиҳатгоҳнинг асосий даволаш воситаси 290 метр чуқурликдан отилиб чиқаётган маъданли сув ҳисобланади. Ушбу обиҳаёт таркиби жиҳатидан МДҲдаги «Есентуки 17» маъданли суви билан баробар туради. Таркибида организм учун фойдали бўлган натрий, калий, магний, хлор, сульфид, бром, йод каби бир қанча минерал унсурлар мавжуд бўлган маъданли сувдан шифо истаб келганлар учун қулай шарт-шароит яратилган. Балчиқ билан даволаш, озокрит, ҳар хил физиотерапия, жисмоний тарбия муолажалари, шифобахш ўтлар билан даволаш учун мўлжалланган махсус шинам, озода ва кўркам хоналар мавжуд. Бундан ташқари, ошқозон-ичак, ўт йўлларини ювиш, игна билан даволаш, маъданли сув хоналари нафақат вужудингизни соғломлаштиради, балки руҳиятингизга ҳам ажиб енгиллик бағишлайди.

Сиҳатгоҳда вужудни, руҳни соғлом қиладиган яна бир омил бор. Бу ҳақда жамоа раҳбари Дилшод Қодиров шундай дейди:

— Бу омил хушмуомалалик, ширинсўзликдир. Сиҳатгоҳдаги шифокор ва ҳамширалар, бошқа ходимлар дам олувчиларнинг барчасига бирдек ширин муомалада бўлишга одатланишган. Республикамизнинг турли вилоятларидан — узоқ-яқиндан келган дам олувчи, даволанувчиларнинг деярли ҳаммаси ўзлари яшаб, ишлаган юртда ўзига яраша ҳурмат, обрў қозонган уруш ва меҳнат фахрийларидир.

Асаб касалликлари, ошқозон хасталиклари, таянч бўғинлари каби касалликлар даволанадиган сиҳатгоҳ биноси замонавий усулда қурилган. Бу ердаги барча ташхис аппаратлари, лаборатория фаолияти мукаммал ташкил қилинганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хўжалик ҳисобидаги 11 та коттеж, икки кишилик люкс хоналар, шинам жиҳозлар ва мебеллар, музлатгич ва телефон даволанувчилар ихтиёрида. Шунингдек, 110 кишига мўлжалланган ошхонада парҳез овқатлар билан биргаликда ўзбек миллий таомлари ҳам тайёрланади.

Бош ҳаким Сайфулла Мамаюсупов, юқори малакали шифокорлар Эшим Соибназаров, Улуғбек Султонов, олий тоифали стоматолог Аслиддин Йўлдошев, бош ҳамшира София Аъзамова кабиларнинг бенуқсон хизматидан дам олувчилар жуда миннатдор.

Мана, бу ҳақда уларнинг ўзлари нима дейди:

Сотволди Асронов: — Фарғона вилоятининг Қува туманидан болалар билан келгандик. Оилаларга яратилган шароитларга гап йўқ. Алоҳида турар жойлар, намунали хизматдан дилимиз равшан бўлди. Ҳамма ёқда саранжом-саришталик. Маданий тадбирлар боис, тоғ орасида бўлсак ҳам, зерикиш нималигини билмадик.

Клара Йўлдошева: — Ангренликман. Оҳангаронлик Раъно Собирова, Янгийўлдан Раҳима Мадаминовалар билан бирга даволандик, дам олдик. «Маржон суви» сиҳатгоҳида ташқарига чиқмасдан барча муолажаларни олиш, овқатланиб, спорт билан шуғулланиш мумкинлиги бизга жуда ёқди. Озода, Мастура, Соҳиба, Умида, Нодира каби ҳамшираларнинг хушмуомалалиги, вазифаларига масъулият билан ёндашиши ёшу қарига хуш ёқади.



Жамоа аҳли Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам арзирли ишларни амалга оширмоқда. Сиҳатгоҳда ҳар қандай тоифадаги беморлар учун пуллик хизмат йўлга қўйилган.

Яқинда даволаниш бинолари билан ётоқхона оралиғида 145 метр узунликдаги галерея ишга тушди. Шу йилнинг 1-чораги давомида ҳомийлар томонидан ётоқхона биносида 5 миллион сўмлик косметик, 2 миллион сўмлик санитар-гигиеник таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳам нуронийларга бўлган эътибор намунасидир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**Шоди ОТАМУРОДОВ.** [t]


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ**
**«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**
*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**2008 йил 3 июнь куни соат 15.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қайтадан савдога қўйилмоқда:**

Суд ижрочиларининг Ёзёвон тумани бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 5 январдаги 15-07-02/13156-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Ёзёвон тумани, Мингчинор қишлоғида жойлашган, «Машина-трактор парки» АЖга қарашли, ушбу манзилда сақланаётган, техник ҳолати носоз, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, 4 та «Енисей-1200» русумли комбайн.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 662 000 сўмдан.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт: 22622000304234776002 АТ «Ипотека банк»и Фарғона филиали, МФО 00544.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали, Фарғона ш., А. Навоий к., 47-«А» уй, 2-хона. Телефон: 226-95-98.**

***Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.***



*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар диққатига!*

**«АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОАЖ**

кенг ассортиментда тракторлар, чигит экиш сеялкалари, культиваторлар, плуглар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари бутловчи қисмларининг баҳорги мавсумий сотувини ўтказади.

**Завод 2008 йил 1 июнга қадар бутловчи қисмларни 30% чегирма билан сотади.**



**Манзилимиз:**
**100057, Тошкент ш.,**
**Уста Ширин к., 117-уй.**

**Тақсимот бўлими телефонлари:**
**228-11-02, 248-16-51, 248-02-40.**
**Факс: 228-29-21, 248-02-40.**



*2008 йил — Ёшлар йили*

MIKROKREDITBANK

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**юртимиз тадбиркор ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида хусусий ва оилавий тадбиркорликни бошлаганларга**



*бошланғич сармояларини шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда, микрофирма ва деҳқон хўжаликлари ташкил этган ёшларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда, фермер хўжаликлари ташкил этган ёшларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда хусусий ва*

**имтиёзли микрокредитлар ажратади.**




Ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки йиллик *30 фоиз* даромад келтирадиган янги, қулай ва жозибали ***«ЁШЛИК» номли*** муддатли жамғарма омонат турини жорий этди.

**Омонат учун маблағлар чекланмаган миқдорда, мижозларнинг истак ва талабларига қараб 1, 3, 6, 9, 12, 15 ой муддатга қабул қилинади.**

Хизматлар лицензияланган

**«Ёшлик» муддатли омонатининг фоизлари мижозларнинг хоҳишига кўра, ҳар ойда тўлаб борилади.**

***Шунингдек, «Микрокредитбанк» мижозларига турли қулайликлар ва имтиёзларга эга бўлган 22 турдаги омонат жамғармаларини таклиф этади!***

*«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик, тараққиёт хизматида!*



**O'ZEKSPO MARKAZ**
Toshkent

**13•15 MAY**

OGU

12-xalqaro

**NEFT va GAZ**
**KO'RGAZMASI va ANJUMANI**

Ko'rgazmaning ochilish marosimi:
13 may soat 11:00

Ko'rgazmaning ishlash tartibi:
13 may 11:30 - 17:00 | 14 may 10:00 - 17:00 | 15 may 10:00 - 16:00

**www.oilgas.uz**

**ITE Uzbekistan**
20, Oybek Str., Tashkent, 100015, Uzbekistan
Tel.: +(998 71) 113 01 80, Fax: +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Эҳтиром

# ТАНИҚЛИ БЎЛИШ ОСОН...



***Оддий бир қоровулнинг етагига кирди-ю, Рихсихон довруқли артист бўлиб етишди. Тақдирнинг бу ғалати ўйинига кейинроқда тўхталиб ўтармиз... 1955 йил эди. Театр ва рассомлик институтининг (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат институти) биринчи курсида ўқиётган Рихсихон амалиётни эндиликда Миллий академик театрга айланган собиқ Ҳамза театрида ўтай бошлади. Театр директори Сора Эшонтўраева: “Нозиккина қиз экансан, саҳна азобларига чидай олармикансан”, деб кулимсираганида, саҳнада қанақа азоб бўлиши мумкин, дея ўзича ҳайратланиб қўйган Рихсихон, кўп ўтмай, биринчи уқубатга дуч келди. “Йўлчи юлдуз” спектаклида уни бойнинг кенжа хотини Гуласал ролида синаб кўрмоқчи бўлишди. Бой ролида ўйновчи Амин Турдиев: “Қўйсанглар-чи, бу жинқарчанинг балосига қолиб кетмайин тағин”, деб эътироз билдиришида жон бор экан, девсифат эр кенжа хотинининг сочидан тортқилаб судраганича, аёвсиз дўппослайдиган саҳна кўринишидан этни моматалоқ қилмай қутулиб чиқиш амри маҳолдек туюларди.***

**Б**униси ҳали ҳалво экан. Қизининг илк ролини кўришга келган Мукаррама ая, уйга қайтибоқ, ғалвани бошлади:

— Артистликка кирма, десам, кўнмадинг. Ҳалиям кеч эмас, бу ўқишни йиғиштир, бошқасига кирасан.

— Ўзи нима гап, ойи? — таажжубланди Рихсихон.

— Шунақа калтак еб пул топгандан кўра...

— Вой шунга шунчами? Ёлғондан урди-ку.

— Ёлғонданмиш. Ростдан йиғлаб, чинакамига додлаганингни кўриб турмаган бўлсамакан!

Яхшиямки, дадаси бор, ўртага тушиб, вазиятни юмшатди.

Тўрт қиз, уч ўғилнинг отаси бўлмиш Исмоилхўжа ака Тошкент авиация заводининг оддий ишчиси эканига қарамай, ўта китобсевар, дунёқараши анча-мунча зиёлиникидан қолишмайдиган, кенг фикрли киши эди. Рихсихоннинг болалик даврида дадасининг ўртоқлари уларникида йиғилиб, китобхонлик қилишарди. Жумладан, “Ўткан кунлар” деб аталмиш романни (бу асар ўшанда тақиқлаб қўйилгани учун усти тиббиётга оид бир китобнинг муқоваси билан ниқобланган эди) ҳам зўр қизиқиш билан ўқишар, гоҳо тонгга яқин тарқалишса-да, Кумуш ва Отабек қиссасини бир четда тўлқинланиб тинглаётган қизалоқ кўзлари қизарганча ухламай ўтирарди.

Институтни битирибди ҳамки, Шукур Бурҳонов, Яйра Абдуллаева, Наби Раҳимов, Икрома Болтаева, Олим Хўжаев, Обид Жалилов сингари номдор актёрлар, Етим Бобожон, Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаевдек машҳур режиссёрлар билан бир жамоада ишлаётганига ҳалиям ишонгиси келмасди. Шунингдек, бу улуғ инсонлар ҳам кўпчилик оддий кишиларга ўхшаб автобус ва трамвайларда юриши, ишхонада бир-бирига одми муносабатда бўлиб, ошхонада эл қатори овқатланиб ўтириши, бозорга кириб, рўзғорга харажат қилиши каби ҳолатларни ҳануз ҳазм қилолмасди.

Ўтаётган ойлар йилларга уланаверди. Рихсихон тобора кўзга чалиниб бораверди. “Навоий”да Гули, “Бой ила хизматчи”да Жамила, “Гамлет”да Офелия, “Шошма, қуёш”да Санобар, “Имон”да Озода, “Алла”да Ойсара бўлиб, элнинг назарига туша борди. Айниқса, “Мирзо Улуғбек”даги Ферузабону образи унга катта шуҳрат келтирди. Бошида бу ролга таниқли бир актрисани танлашганди. Кейинроқ Рихсихонга берилишига бир воқеа сабаб бўлди.

Дамир Шокиров деган ёш режиссёр бўларди (театрдагилар уни Рихсихоннинг ошиғи, дейишарди), шу йигит бир куни Рихсихонни Шукур Бурҳоновнинг уйига бошлаб борди. Шукур оға Улуғбек ролига тайёрланиш жараёнида Рихсихон Ферузабонуга айланиб, унга ҳомаки шерикчилик қилиб турди. Шукур оға: “Буни шунчаки машқ демай, образга кириб ўйна, сохталигинг менгаям юқмасин”, дегандан сўнг Рихсихон Ферузабонуликка шу қадар берилиб кетдики, охир-оқибат ролга уни тасдиқлашди.

Шу-шу уни кўрганлар, ўз исми қолиб, “Ана, Ферузабону” дейдиган бўлишди. Рихсихон тарихий мавзулардаги спектаклларда роль ўйнашни кўпроқ ёқтирарди. Айниқса, шеърий матнда битилганлари унинг жону дили эди. Зеро, ўзи ҳам бир маҳаллар шоира бўлишни орзу қилган, ўқувчилик даврида шеърлар тўқиб, Эркин Воҳидов, Тўлқин, Анвар Эшонов, Сайёр каби ёшлар билан бирга Ғайратийнинг тўгарагига қатнаб юрган. Мактабни битиргач, ҳозирги Миллий университетнинг филология факультетига ҳужжат топшириб, учинчи имтиҳондан йиқилди-ю, ҳаёт йўли кутилмаганда бўлак ёққа бурилиб кетди. Дадасининг Атохўжа деган ўртоғи Санъат институтида қоровул бўлиб ишлар экан. Рихсихон ўқишга киролмаганини билгач: “Бизнинг институтимизга киришни хоҳловчилар кам бўлгани учун имтиҳонлар бошқа ўқув юртларникидан анча кейин бошланади. “Истасанг, бошлаб борай”, деб қолди. Онаси қарши чиқса-да, дадасидан оқ фотиҳа олган қиз, қоровулга эргашиб, институтга борди. Ҳужжат топшираётиб: “Мени ўйин тушадиган артистларникига эмас, саҳнада роль ўйнайдиган артистларнинг гуруҳига ёзинг”, деганида, шу ерда турганлар бирдан кулиб юборишганди.

Шоира ёки олима бўлганида нечоғли эътибор топарди — буниси номаълум. Маълуми шуки, артистлик унинг бошига шуҳрат тожини кийдирди, оиласининг фахрига, юртнинг ардоқли фарзандига айлантирди. “Бобур”, “Навоий”, “Кеча ва кундуз”, “Дунёнинг ишлари”, “Шаҳзода ва канизак” янглиғ видеофильмларда ўлмас қиёфалар яратиб, томошабинлар меҳрини қозонди. Саҳнада Меҳри ая, кинода Шум боланинг онаси, “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” телекўрсатувларида ўнлаб мунис аёлларимиз қиёфасини қойиллатиб яратиши уни ўзбек санъатида Лутфихоним Саримсоқовадан кейинги табаррук сиймолардан бирига айлантирди. Рихси опанинг яқин ўтган кунларда нуфузли бир танловнинг “Саҳнамиз фариштаси” номинациясига сазовор бўлгани ҳам юқоридаги фикримиз исботидир.

Бу даражага етгунча — Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат шуҳрати” ордени нишондори, кимсан, Рихси Иброҳимова бўлгунча озмунча машаққат чекдими? Ҳатто, томошада бир-икки кўриниб қўядиган пойнаки роль беришса ҳам, кўзидан уйқу қочади, туни билан машқ қилади, ўзини юз қўйга солиб кўради. Ҳар бир сўзни кинодами, дубляждами, радио инсценировкадами, четдан ўтган бирон нотаниш сўз учраса, қаерга урғу қўйиб айтиш лозимлигини муҳаррирдан суриштиради, тагига етмагунча қўймайди.

— Ҳозирги киноларнинг баъзилари ўринсиз ишлатилган шевалар, кўр-кўрона “ман-сан”ларга тўлиб кетганини кўриб, таъбинг хира бўлади, — дейди Рихси опа. — Она тилимиз қоидасига кўра, урғу, асосан, сўзларнинг биринчи бўғинига тушишини саводи тузукроқ мактаб боласи ҳам билгани ҳолда, айрим артист ва сухандонлар “кема”ни “кеъма”, “фазо”ни “фаъзо”, “мева”ни “меъва” тарзида қўллаб, талаффуз этаётгани жоиз эмас. Балки ғазал ўқиганда баъзи сўзларни чўзиброқ талаффуз қилишга тўғри келар. Лекин оддий матнда артист ўзини тўғри талаффуз ўқитувчиси деб ҳис қилмоғи керак, кўпчилик унга тақлид қилиши мумкинлигини унутмаслиги лозим.

“Яна қанақа ролларни ўйнашни орзу қиласиз”, деган саволни эшитиб, Рихси опа пича ўйланиб қолади. Сўнг лабига нафис табассум иниб, дейди:

— Қанийди, бир юмалаб ёшариб қолсам-у, Ферузабонуни, Офелияни, Жамилани ҳозирги тажрибам билан бошқатдан ўйнасам. Ҳозирча драматургларимиздан кучли-кучли асарлар кутиб юрибмиз. Уларда бизбоп роллар ҳам топилиб қолса, ажабмас.

Ёши ўтиб ҳам, кўнглида саҳнадан безиллашдан асар йўқ. Аксинча, ҳалиям касбининг шайдоси, саҳнанинг фидойи қули.

Рихси опанинг шогирдлари бир нарсани алоҳида таъкидлаб гапиришади — кўп китоб ўқийди, қўлидан газета-журнал тушмайди, матбуот ва телевизор орқали юртимизда, дунёда юз бераётган воқеаларни синчиклаб кузатиб боради, шундай қилиш ҳар бир зиёли учун жуда муҳимлигини ёшларга уқтиргани-уқтирган. Тўйларга бориб, “хизмат қилиш”ни ҳалиям ўрганолмади. Аммо, жамоатчиликнинг иши деса, доим ҳозиру нозир. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармасининг таянган фаолларидан бири. Ҳукумат тадбирлари, байрамлар, турли қутлуғ саналар муносабати билан жойларда ўтказиладиган учрашувларнинг “гули”. Баъзан вилоятлардаги учрашувларга таклиф этиб қолишса, ёши етмишдан ўтган опага олис йўлнинг малоли тушгандек бўлади. Шунақада аллақачон саксондан сакраган Зикир Муҳаммаджоновнинг: “Эл-юртда мўътабар бўлганимизга шукур қилайлик, Рихсибону”, деган сўзлари ёдига тушиб, танасига қувват қуйила бошлайди. Ўз касбидан янада ғурурланиб кетади.



“**М**ўътабар” деган биргина сўз унинг саҳнада ва саҳна ортида чеккан борлиқ азобини бир лаҳзада ювиб ўтгандек туюлади.

Таниқли бўлиш осон, мўътабар бўлиш қийин.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**


РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 4 декабрдаги 18-0707/13237-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Қарши шаҳар «Деҳқон (озиқ-овқат) бозори» ОҲЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилган:

1. Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, 1998 йилда қурилган «Шоҳбекат» деҳқон бозорчасининг «Кисловодск» айвони (модули). Ер майдони — 900 кв. метр.
*Бошланғич баҳоси — 56 026 000 сўм.*
2. Қарши шаҳри, Насаф кўчасида жойлашган Қарши шаҳар «Деҳқон (озиқ-овқат) бозори»нинг бир қаватдан иборат қурилиши тугалланмаган янги маъмурий биноси.
Ер майдони — 502,88 кв. метр.
*Бошланғич баҳоси — 110 000 000 сўм.*
3. Қарши шаҳри, Насаф кўчасида жойлашган Қарши шаҳар «Деҳқон (озиқ-овқат) бозорининг ёрдамчи бино ва омборхонаси. Ер майдони — 1735,02 кв. метр.
*Бошланғич баҳоси — 64 518 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: Қарши шаҳри «Асака» банки, ҳ/р 20210000200571452006, МФО 00194, ИНН 200933850.

**Лицензия: DB 001 №000004.**

747H/599

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 8-375- 225-44-58.**



«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги автокранларни сотиб олиш юзасидан 01/08-сонли тендер савдоси муддати узайтирилганлигини ва ўзгартиришлар киритилганлигини эълон қилади:**

**Лот № 1.** 40 тонналик автокран — 1 дона.
**Лот № 2.** 100 тонналик автокран — 1 дона.
**Лот № 3.** 25 тонналик автокран — 1 дона.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

*Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, «Шўртан» қўрғони.*
*Тел.: (998 75) 780-85-72.*
*Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.*
*Электрон почта: sgcc@sgcc.uz*

748H/815


Ибрат

## АЪЛОЧИЛАРГА — ФЕРМЕР СТИПЕНДИЯСИ

Шовот туманидаги «Уста Матсафо» фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Ўдабоев ўзи билим олган Бешмерган қишлоғидаги 33-мактаб ўқувчилари учун «Матсафо ота» номидаги стипендияни таъсис этди. Бу стипендия ҳар чорак якуни бўйича, мактаб педагогик кенгаши қарорига мувофиқ, 2 нафар бошланғич ва 2 нафар юқори синф аълочи ўқувчиларига бериб борилади.

Баҳорги таътил кунларида фермер стипендияси мактабнинг 8 нафар муносиб, аълочи ва фаол ўқувчисига тантанали равишда топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

## Хоразмлик каратэчилар ғолиблар сафида

Урганч Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича X республика чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 100 нафардан ортиқ спортчи ёшлар иштирок этишди.

Мусобақалар қизғин курашлар остида ўтди. Айниқса, самарқандлик Ш. Зоидов, Г. Ортиқова, Ш. Шоузоқов каби ёш спортчиларнинг чиқишлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Хоразмлик каратэчилар М. Ёқубова ва Ж. Боғибековлар ўз вазн тоифалари бўйича кумуш медаль соҳиби бўлишди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Айни кунларда мамлакатимиз коллеж ва лицейларида Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган “Баркамол авлод — 2008” спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик кетяпти. Қўқон шаҳридаги педагогика коллежининг бир гуруҳ иқтидорли спортчилари спортнинг волейбол, енгил атлетика, кураш, бокс турлари бўйича Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилишади.***

## БИР КОЛЛЕЖ СПОРТЧИЛАРИ

Вилоят, шаҳар миқёсида ўтказиладиган бирор бир мусобақа йўқки, мазкур коллежнинг спортчи қизлари, навқирон йигитлари иштирок этмаган бўлса. Коллежда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Иккита спорт зали, тренажёрлар, ёзги майдонлар, замонавий спорт анжомлари улар хизматида.

Кейинги икки йил ичида биргина спорт анжомлари сотиб олишга коллежнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан 3,5 миллион сўм сарфланди. Ўтган йили енгил атлетика тўсиқлари, ядро улоқтириш анжомлари, найзалар, баландликка сакраш учун юмшоқ тўшамалар харидига салкам 5 миллион сўм ажратилди.

Албатта, яратилган имкониятлар ўз самарасини бераяпти. Коллеж ўқувчиси Ҳасан Эргашев Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида муваффақиятли иштирок этди. У 1000 метрга югуриш мусобақаларида юздан зиёд тенгқурлари орасида бронза медалини қўлга киритди. Ўтган йили Ислом Авазов мураббийлик қилаётган енгил атлетикачи қизлар Жиззах ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақаларда биринчиликни эгаллашди. Қозоғистонда ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида ҳам совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Мафтуна Комилова эса бўлғуси педагог. Шу билан бирга, иқтидорли курашчи ҳамдир. У пойтахтимизда бўлиб ўтган республика биринчилигида ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди. Билим юртининг волейбол жамоаси эришаётган муваффақиятлар ҳам салмоқли бўлмоқда.

Улар Нукусда ўтадиган “Баркамол авлод—2008” мусобақаларида ғолиблар сафида бўлишни мақсад қилиб қўйишган.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Эпчиллар баҳси

***Ёшлар йилига бағишланган эпчиллар ва чаққонлар марафонининг Навоий вилояти босқичи якунланди.***

Навоий — Қарнобота манзили оралиғидаги 42 километр масофа бўйлаб уюштирилган марафонда Навоий давлат педагогика институти ҳамда коллеж, лицей ва мактаблар ўқувчилари иштирок этди.

Мусобақа якунида ўғил болалар ўртасида Навоий педагогика институти жамоаси, қизлар баҳсида эса Навоий спорт коллежи ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритдилар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жиззах шаҳрида тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам берадиган, турли хизматларни таклиф этадиган “Замона ёшлари” бизнес ва спорт маркази иш бошлади.***

## «Замона ёшлари» халқ хизматида

Мазкур марказ эндигина тадбиркорликни бошлаган йигит-қизларга консалтинг ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради. Турли кредитлар олиш, лизинг маблағларидан фойдаланиш, маҳсулотларини четга чиқаришда кўмаклашади.

Республика Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси қошида фаолият кўрсатадиган марказ тасарруфига ўтган “Истиқлол” теннис корти қисқа фурсатда капитал таъмирланиб, ёпиқ замонавий спорт зали барпо этилди. Бу ерда тадбиркорлар йил бўйи спортнинг кўпгина турлари бўйича машғулотларда қатнашиши мумкин.

Республика Савдо-саноат палатаси вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳудудий бошқарманинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 миллион сўмлик маблағ ажратди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган
**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2007 йил 11 декабрдаги 1-802/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси 2 440 884 430 сўм бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 15151 кв.м., қурилиш ер майдони 7450 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Высоковольтный кўча, 7-«А» уйда жойлашган қандолат цехи бино ва иншоотлари.
*Бошланғич баҳоси — 553 769 566 сўм.*
2. Умумий майдони 4893 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳангарон шоҳкўча, 37-уйда жойлашган бино ва иншоотлар.
*Бошланғич баҳоси — 500 147 456 сўм.*
3. Майдони 42,23 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳада жойлашган 7-уйдаги 22-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 30 200 000 сўм.*
4. Майдони 73,78 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги, 2-даҳада жойлашган 15-«Б» уйдаги 74-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм.*
5. Майдони 68,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 15-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.*
6. Майдони 68,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 35-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.*
7. Майдони 57,52 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 37-хонадон (квартира).
*Бошланғич баҳоси – 75 500 000 сўм.*
8. Қандолат ишлаб чиқариш линияси ва унга тегишли бўлган ускуналар ҳамда офис дизайн ашёлари, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Высоковольтный кўча, 7-«А» уйда жойлашган.
*Бошланғич баҳоси — 931 898 670 сўм.*
9. «ДЭУ Ласетти» русумли, давлат рақами М 5170 бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 20 707 450 сўм.*
10. «ДЭУ Нексия» русумли, давлат рақами М 6743 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 8 123 780 сўм.*
11. «ДЭУ Нексия» русумли, давлат рақами М 5171 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 9 640 410 сўм.*
12. «ДЭУ Тико» русумли, давлат рақами М 6742 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 916 650 сўм.*
13. «ДЭУ Тико» русумли, давлат рақами М 6740 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 916 650 сўм.*
14. «ДЭУ Дамас» русумли, давлат рақами М 3234 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 1 495 980 сўм.*
15. «ДЭУ Дамас» русумли, давлат рақами М 6741 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 2 547 000 сўм.*
16. «Тепмра SX» русумли, давлат рақами М 1134 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 2 100 000 сўм.*
17. «ДЭУ Супер салон» русумли, давлат рақами М 6739 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси – 12 652 000 сўм* (Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, Высоковольтный кўча, 7-«А» уйда сақланмоқда).

Мол-мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Лицензия: DB 001 №000004.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Юсупжон Муқимбоевга рафиқаси
**Манзура ая МУҚИМБОЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУнинг ректорати, жамоат ташкилотлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми, академик
**Малик НАБИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет немис филологияси факультети декани муовини Асқарали Холбоевга онаси
**ХОЛНИСА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси тиббий педагогика факультетининг декани, доцент
**Нуриддин Тоирович ТОИРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 8